

Ўзбекистан Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

2022 йил "27" январь

565-сон

Шахрисабз туман.

Ўзбекистан Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси номидан тоифаланган объектларни кўриқлашни ташкиллаштириш бўйича Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи подполковник **М.М.Мухсимов** (кейинги ўринларда "**Ижрочи**") деб юритилади) бир томондан Хисорак сув омборидан фойдаланиш бошқармаси номидан Ўзбекистан Республикаси Қонунлари асосида фаолият юритувчи Хисорак сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи **М.А. Шукуров** (кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "**Томонлар**" деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. "**Буюртмачи**" далолатномада кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширади, "**Ижрочи**" эса Хисорак сув омборидан фойдаланиш бошқармаси объектини кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлашда хизмат олиб боради.

2-боб. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. "**Буюртмачи**" Шахрисабз тумани Мираки кўрғонида жойлашган "Хисорак" сув омборини кўриқлашни 9 бирлик, 4 та пост 24 соатлик (дам олишсиз соат 9-00 дан 9-00 гача) сафдор ходим орқали кўриқлаш учун (кейинги ўринларда Объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими "**Буюртмачи**" томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

4. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади.

5. Объектни кўриқлашда **Буюртмачи** билан келишилган ҳолда хизмат итларидан фойдаланиш мумкин.

3-боб. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

6. "Хисорак" сув омбори объектини кўриқлаш ва мудофаа қилиш учун "**Буюртмачи**" Идоралараро комиссия далолатномаси билан белгиланган 9 бирлик, 4 та пост сафдор ходим орқали, пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизматини ташкил қилади.

Ўзбекистан Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ва Ўзбекистан Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланган янги тарифлар киритилганда, энг кам ойлик иш ҳақи ўзгартирилгандагина қайта кўриб чиқилиши мумкин;

Ўзбекистан Республикаси Хукумати қарорлари билан белгиланган бошқа харажатлар миқдори ўзгарганда (мазкур шартномага қўшимча келишув сифатида расмийлаштирилади).

7. Буюртмаси мазкур шартномада кўрсатилган кўриқлаш хизмати учун ойлик тўловнииг 100 фоизи миқдорида ижрочи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан кейинги ой бошланишдан 10 кун олдин тўловни амалга оширади.

8. Ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда тўловлар келмаган тақдирда, Ижрочи Буюртмачи га акцепсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда кўйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида кўриклаш хизмати ойига 1032990000 (бир миллиард уттиз икки) сўм 3 (уч) ойга Шилшон Туккиз ноғ Турсоншино сўмни ташкил қилади.

Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда **Ижрочи Буюртмачи** билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши шарт.

4-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. "Ижрочи"нинг мажбуриятлари:

10. Тоифаланган объектни кўриқлов остига қабул қилгандан сўнг Хисорак сув омборидан фойдаланиш бошқармаси объектининг ишончли кўриқланиши ва мудофааси, тоифаланган объектни НЎП да рухсатнома тартибининг амалга оширилиши, тоифаланган объектларни кўригини ташкиллаштириш бўйича Йуриқиома талаблари билан белгиланган бошқа тадбирларнинг ўтказилиши учун тўлик жавобгар ҳисобланади.

11. Тоифаланган объект томонидан тақдим этилган маиший хизмат хоналарини, муҳандислик техник воситаларини ва бошқа мулкни соз ҳолда сақланишини таъминлайди ва у даряли амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фойдаланади.

12. Тоифаланган объектининг моддий бойликлари талон-тарож қилинган, йўқолган, зарар етказилган ҳолатларда "Ижрочи"нинг айбдор шахсларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортади.

13. Объект НЎП даги механизмларни, хизмат ва бошқа хоналарини, сув ва канализация тармоқларини, ёритиш ускуналарини, инвентар ва мебелларни таъмирлаш учун талабномаларни ўз вақтида "Буюртмачи"га беради.

14. Объектда кириш-чиқиш ва ички объект режимида риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қийматликларни олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилади.

15. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

16. Тоифаланган объектнинг кўриқлов остига топшириладиган вақтида кўриклаш бўлимасига казарма, хизмат, маиший маданий ва бошқа хоналарни таъдим қилади, мазкур хоналарни таъмирлашни "Ижрочи" талабномалари бўйича амалга оширади.

17. Замонавий турдаги муҳандислик-техник кўриклаш воситаларини (кейинги ўринларда МТҚВ деб юритилади) жорий қилиш ҳисобига тоифаланган объектни ишончли кўригини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказди. тоифаланган объектларни МТҚВ билан жиҳозлаш бўйича Йўриқнома талабларига мувофиқ МТҚВнинг қайта жиҳозлаш ва жорий таъмирлашни амалга оширади. Кўриклаш бўлинмаси томонидан олинадиган тақиқланган ҳудуд МТҚВ учун эҳтиёт қисм ва воситаларни тўловини амалга оширади.

18. Кўриклаш бўлинмасининг казарма биноларини, иншоотларини жорий ва капитал таъмирини амалга оширади, коммунал хизматларини (свет, сув, иссиқлик) тўлайди.

19. Худудий ИИБ навбатчилик қисми билан тўғридан-тўғри алоқа каналларини тақдим этилишини таъминлайди.

20. "Ижрочи"нинг талабномалари бўйича МТҚВнинг реконструкцияси ва капитал таъмирини амалга оширади. Тақиқланган ҳудудда зарур муҳандислик тўсиклари, окоп-бошпаналар ва объектга яқин жойларда мудофаа иншоотларини қуради.

5- боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

21. Мазкур Шартноманинг 6-бандида кўрсатилган сўманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида хизматлар хақини тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

22. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида асоссиз равишда бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

23. Пеня тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

24. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:
ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамастан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга қирган қарори билан тасдиқланса;
буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

6- боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

25. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. ФОРС-МАЖОР

26. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик -бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

27. Энгиб бўлмайдиган қуч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида 2 (икки) кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

28. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас қуч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор 3 (уч) ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга қиради. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради.

30. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

31. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:
хўжалик юритувчи субъектлар бўйича - Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажарунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича - белгиланган тартибда ғазначи бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда **Буюртмачи** мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида **Ижрочига** Шартнома муддати тугашидан кун олдин маълум қилмаса, мазкур

Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

32. Агар техник кўриклаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриклашни рад этиши мумкин.

33. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриклаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

35. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ худуд ва мажбуриятларини назарда тутувчи кўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ижрочи”

Қашқадарё вилояти Кўриклаш бошқармаси.
Манзил: Қарши шаҳар Жайхун кўчаси.
Хизмат телефони: 230-13-02.
Хисоб рақами: 21596000100193974001
МФО 00019
Қарши шаҳар марказий банки
ИНН 201344071
ОКОНХ-97920

“Буюртмачи”

Хисорак Сув Омборидан Фойдаланиш
Бошқармаси
Манзил: Шахрисабз тумани Мираки кўрғони
Хизмат телефони 523-31-78
Хисоб рақами: 10001086010245704240217001
ИНН 201748874
Уз.Р. Молия Ғазначилиги МБ ББ ХККМ
Тошкент шаҳри
Х/р 23402000300100001010 ОКОНХ-22100
ИНН 201122919 МФО 00014

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Қашқадарё вилоят Кўриклаш
бошқармаси бошлиғи

(лавозими Ф.И.Ш.)

М.М. Мухсимов


(имзо, муҳр)

Хисорак Сув Омборидан Фойдаланиш
бошқармаси
бошлиғи

М.А. Шукуров

(лавозими Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳр)



2022 йил " 27 " Январ даги
№ 565 сонли шартномага
ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Кашкадарё вилояти
"Куриклаш" бошкармаси томонидан
2022 йил I- II-III-IV-чорақда курсатиладиган
Куриклаш хизмати

Ойлар	Улчов бирлиги	Нархи	Суммаси
Январ	дона	516 330 000	516 330 000
Феврал	дона	258 330 000	258 330 000
Март	дона	258 330 000	258 330 000
I-чорақ		0	0
Апрел	дона	0	0
Май	дона	0	0
Июн	дона	0	0
II-чорақ		0	0
Июл	дона	0	0
Август	дона	0	0
Сентябр	дона	0	0
III-чорақ		0	0
Октябр	дона	0	0
Ноябр	дона	0	0
Декабр	дона	0	0
IV-чорақ		0	0
Хаммаси 2022 йил		1 032 990 000	1 032 990 000

"Куриклаш"

Уз Рес Миллий Гвардияси Кашкадарё Вилояти
"Куриклаш" бошкармаси томонидан:

подполковник: М.А. Мухомидов



"Буюртмачи"

Хисорак Сув Омборидан
Фойдаланиш бошкармаси

Бошқик: М.А. Шукуров



(Имзо)